



INTERNATIONAL LEGAL DESCRIPTION OF THE PRINCIPLE OF NON-INTERFERENCE IN THE INTERNAL AFFAIRS OF STATES

D.Sattarov

Customs Institute "General Legal Sciences"
associate professor of the department
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13902053>

ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2024
Accepted: 07th October 2024
Online: 08th October 2024

KEYWORDS

Non-interference, relations,
morality, state, globalization,
world, international, law,
principles, coercive
mechanism.

ABSTRACT

This article analyzes issues related to the international legal description of the principle of non-interference in the internal affairs of states. Also, the article states that the principles of international law are important in ensuring the peace and security of the world community, and achieving the absence of negative events in globalization processes.

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ ОПИСАНИЕ ПРИНЦИПА НЕВМЕШАТЕЛЬСТВА ВО ВНУТРЕННИЕ ДЕЛА ГОСУДАРСТВ

Д.Саттаров

Таможенный институт «Общие юридические науки»
доцент кафедры
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13902053>

ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2024
Accepted: 07th October 2024
Online: 08th October 2024

KEYWORDS

Невмешательство,
отношения, мораль,
государство,
глобализация, мир,
международное, право,
принципы, механизм
принуждения.

ABSTRACT

В данной статье анализируются вопросы, связанные с международно-правовым описанием принципа невмешательства во внутренние дела государств. Также в статье говорится, что принципы международного права важны для обеспечения мира и безопасности мирового сообщества, достижения отсутствия негативных событий в глобализационных процессах.

ДАВЛАТЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАРИГА АРАЛАШМАСЛИК ТАМОЙИЛНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

Д.Саттаров

Божхона институти "Умумхуқуқий фанлар"
кафедраси доценти



ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2024

Accepted: 07th October 2024

Online: 08th October 2024

KEYWORDS

Аралашмаслик, алоқалар,
ахлоқ, давлат,
глобаллашув, жаҳон,
халқаро, ҳуқуқ,
тамойиллар, мажбурлов
механизм.

ABSTRACT

Мазкур мақолада давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилнинг халқаро-ҳуқуқий тавсифи билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада халқаро ҳуқуқ тамойиллари жаҳон ҳамжамиятининг тинчлик ва хавфсизлигини таъминлаш, глобаллашув жараёнларининг салбий ҳодисалардан ҳоли бўлишига эришишда муҳим аҳамиятига эга эканлиги баён этилган.

Халқаро муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир тури бўлиб, ҳар хил воситалар билан тартибга солинади. Давлатлараро алоқалар ахлоқ, техник, диний каби ижтимоий нормаларнинг таъсирини ўзида кечириб, ушбу меъёрларнинг энг таъсирчани - ҳуқуқ нормаларидир, чунки уларнинг ижроси халқаро ҳуқуқда назарда тутилган мажбурлов механизми билан таъминланади.

Халқаро ҳуқуқ ҳар қандай ҳуқуқ соҳаси сингари муайян тизим, институт, тартибга солиш услублар ва тамойилларга эгадир. Тамойиллар халқаро ҳуқуқда ўзининг одатий ҳуқуқий мезон, ҳуқуқ соҳаси доирасидаги нормалар учун раҳбарий қоида тарзидаги функцияни бажаради. Халқаро ҳуқуқ тамойилларини, ўзбекистонлик олим А.Х.Саидов ҳам “ижтимоий амалиёт натижасида вужудга келадиган халқаро ҳуқуқнинг юридик мустаҳкамланган асослари бўлиб, ҳуқуқ субъектларининг раҳбарий қондаси” тарзида таърифлаб, уларнинг халқаро-ҳуқуқий тартиботни таъминлашда халқаро ҳамжамият учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди¹. Дарҳақиқат, халқаро ҳуқуқнинг тамойилларига амал қилмаслик, нафақат муайян ҳуқуқий меъёрни бузиш билан баровардир, балки халқаро-ҳуқуқий тартибот негизини ташкил қиладиган ҳуқуқий таянчни менсинмаслик ва шу орқали давлатлараро ялпи ҳуқуқ-тартиботга болта уришни англатади.

Холбуки, халқаро ҳуқуқ тамойиллари ҳаётий аҳамият касб этар экан, жаҳон ҳамжамиятининг тинчлик ва хавфсизлигини таъминлаш, глобаллашув жараёнларининг салбий ҳодисалардан ҳоли бўлишига эришишда ҳар бир тамойилнинг шу жумладан давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилининг ижроси илмий-амалий эътиборга ғоятда молик. Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига беписандлик, мамлакат суверенитетини инкор қилиш бутун халқаро ҳамжамиятга қарши жиноят сифатида баҳоланиб, мисли кўрилмаган фожиавий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини тарихнинг ўзи тасдиқламоқда.

Давлатларнинг ички компетенциясини ҳурмат қилиш халқаро ҳуқуқдаги энг олий қадриятларидан биридир. Давлатларнинг ички ишлари ташқи тажовузлардан даҳлсизлигини таъминлаш универсал ва минтақавий жамоа хавфсизлик тизимининг ўзагини ташкил қилади. Шу сабабли, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик

¹ Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001.87-бет.



қоидаси устувор аҳамиятга эга бўлган халқаро-ҳуқуқий меъёр - тамойил даражасига қўтарилган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг ҳар бир институтида раҳбарий қоида сифатидаги моҳиятни касб этади.

Олимлар томонидан халқаро ҳуқуқ тамойилларининг, шу жумладан давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципининг олий юридик кучга эга эканлигидан ташқари, барча учун мажбурийлиги, орқага қайтиш кучига эга эканлигини, халқаро ҳуқуқ принципларини бузган ҳаракатлар халқаро жиноят сифатида баҳоланиши илгари сурилмоқда¹.

Халқаро ҳуқуқ тамойилларининг ушбу хусусиятларини инкор этмасдан, бизнингча, улар амалдаги воқеликнинг энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиши, халқаро ҳуқуқ тамойиллари универсал халқаро шартномаларда ўз аксини топиши ва уларнинг руёбга чиқиши учун давлатларнинг суверенитетини чеклашга йўл қўйиш мумкинлигини қўшимча равишда эътироф этиш лозим. Маълумки, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилининг талабларига кўра, муайян давлатда халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид вужудга келган ҳолларда халқаро ҳуқуқда белгиланган тартибда ушбу давлатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўйилади.

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили халқаро ҳуқуқнинг бошқа тамойиллари билан бирга муштарак ўзаро чамбарчас боғлиқликда бўлган тизимни ташкил қилади. Ўзбекистонлик олимлар Х.Т.Одилқориев ва Б.Э.Очилов халқаро ҳуқуқ тамойилларининг ушбу хусусияти тўғрисида “ҳар бир тамойил бошқа тамойилдан мазмунан келиб чиқади” деб таъкидлайдилар².

Дарҳақиқат, агарда давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилининг мазмунига эътибор берадиган бўлсак, кўриш мумкинки, “Давлатларнинг ички ишларига аралашиш ва интервенцияга йўл қўймаслик тўғрисида”ги Декларацияда бошқа давлатнинг халқаро миқёсда тан олинган чеграларини бузиш мақсадида давлатлар томонидан халқаро муносабатларда кучдан фойдаланиш ёки куч билан таҳдид қилишдан ўзларини тийиш мажбурияти, ёхуд мустамлака ҳукмронлик гирдобини остида бўлган халқларни ўз тақдирини ўзлари белгилаш, эркинлик ва мустақилликка бўлган ҳуқуқларни маҳрум қилишга қаратилган ҳаракатлар назарда тутилди. Кўриниб турибдики, ушбу ҳаракатлар нафақат давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, балки халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш, кучдан фойдаланиш ёки кучдан фойдаланиш билан таҳдид қилиб ишлатиш каби тамойиллари билан қамраб олинган. Шу маънода, давлатларнинг ички ишларига аралашиш принципининг бузилиши муқаррар равишда халқаро ҳуқуқнинг бошқа принципларини бузишга олиб келишида халқаро ҳуқуқ принциплари тизимининг яхлитлиги намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, халқаро ҳуқуқ принципларининг узвий боғлиқлигини кучайтириш уларнинг ижросини такомиллаштириш борасида аҳамияти беқиёс омилдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили шунчаки тилга олиниб, уларнинг батафсиллаштирилган изоҳи

¹ Международное публичное право – М.: проспект, 1999. – С.55.

² Международное публичное право. – Т.: ТГЮИ, 2004. – С.71.



берилмаган. Сўнгра, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига биноан давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатларига оид халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида”ги БМТ Бош Ассамблеясининг 1970 йил 24 октябр кундаги Декларациясида давлатларнинг ички ишларига аралашни ифодаладиган ҳатти-ҳаракатлар келтирилиб, “юқорида зикр этилган тамойиллар ўзаро боғлиқ ва барча бошқа тамойиллардан келиб чиқади” деб мустаҳкамланди¹. «Давлатларнинг ички ишларига аралашиш ва интервенцияга йўл қўймаслик тўғрисида»ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1981 йил 9 декабр кундаги Декларациясида ҳам, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили доирасидаги давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзаро чамбарчас боғлиқлиги эътироф этилиб, ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар 1970 йилги юқорда зикр этилган Декларациясидан фарқли равишда бир мунча батафсиллаштирилди. Ушбу ҳолат давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили халқаро ҳуқуқ тамойиллари тизимига тобора сингиб бораётганлиги ва ушбу тамойилларнинг ҳуқуқий таъсир доирасида унинг ҳимояси янада ошганлигидан далолат бермоқда.

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили 1981 йилги Декларациясида ёйилган ҳолда, халқаро муносабатлар асосларининг деярли барча соҳаларини қамраб олган ҳолда берилиши, мазкур тамойилнинг халқаро ҳуқуқ принципларининг таснифида ўрнини белгилашда анча мураккабликларни вужудга келтиради. Жумладан, халқаро ҳуқуқ фанида халқаро ҳуқуқ тамойилларнинг муҳофаза остидаги муносабатларнинг аҳамиятлилига қараб, халақаро ҳуқуқ тамойиллари умуминсоний қадриятларни, яъни цивилизациямизнинг ҳаётий муҳим аҳамиятга молик муносабатларни муҳофаза қиладиган тамойиллар (инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш принципи, табиатни муҳофаза қилиш борасида давлатларнинг ҳамкорлиги принципи) ҳамда давлатларнинг бевосита манфаатларини муҳофаза қиладиган тамойилларга (давлатларнинг ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик, умумий ва тўлиқ қуролланиш тамойиллари) таснифланган. Шунингдек, айрим асарлардан халқаро ҳуқуқ тамойилларни функционал тамойилларга, яъни халқаро ҳуқуқнинг бутун тизимига сингиб кетган тамойиллар (ўз мажбуриятларни виждонан бажариш, халқаро низоларни тинч йўллар билан ҳал қилиш, давлатлар ҳамкорлиги, давлатлар тенглиги тамойиллари) ва бошқа тамойилларга (инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилиш принципи, ялпи ва тўлиқ қуролланиш давлатлар чегараларнинг яхлитлиги ва даҳлсизлиги, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойиллари) таснифланган.

Профессор Н.Т.Блатова халқаро ҳуқуқ тамойилларини объект жиҳатидан таснифлаб, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлайдиган тамойилларга (инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилиш, миллат ва эллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, атроф-муҳитни ҳалқаро ҳимоя қилиш тамойилларига),

¹Декларация о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами в соответствии с Уставом ООН./ Международное право в документах. – М., 2001 – С.65-73.



давлатларнинг тинч ҳамкорлигини таъминлайдиган тамойилларга (куч билан фойдаланиш ёки кучдан фойдаланиш билан таъдид қилмаслик, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, давлат чегараларнинг даҳлсизлиги, самарали халқаро назорат остида қуролсизланиш тамойиллари) ҳамда инсон, миллат ва эллатларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи тамойилларга (давлатларнинг суверен тенглиги давлатларнинг ички ишларги аралашмаслик, халқаро низоларни тинч йўллари билан ҳал қилиш, халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойиллари) таснифлаган¹.

Бизнингча, халқаро ҳуқуқ тамойилларнинг юқорида келтирилган барча таснифлар шартлидир. Ушбу тамойилларни амал қилиш доираси, объект жиҳатидан ҳар қандай таснифлар халқаро ҳуқуқ тамойилларнинг универсаллик табиатига зид келади, чунки халқаро ҳуқуқ тамойиллари халқаро ҳуқуқнинг ҳар бир институтида ўзининг раҳбарий қоида тарзда мақомини йўқотмайди ва шу сабабли халқаро ҳуқуқ билан камраб олинадиган барча давлатлараро муносабатларга тегишлидир. Зикр этилган юқоридаги таснифлар шунчаки, нибсий мезонларга асосланган.

Юқорида зикр этилган барча хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига изоҳ берар эканмиз, халқаро ҳуқуқнинг тамойилларига берилган умумий таърифга асосланиш жойиз. Фанда халқаро ҳуқуқ тамойилларига таъриф беришда уларнинг ҳуқуқий хусусияларга таянади. Профессор А.Х.Саидов фикрича, халқаро ҳуқуқ тамойиллари ижтимоий амалиёт натижасида вужудга келадиган халқаро ҳуқуқнинг юридик мустаҳкамланган асослари бўлиб, ҳуқуқ субъектлари хатти-ҳаракатининг раҳбарий қоидалар ҳисобланади. Олимнинг фикрича, халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари халқаро ҳуқуқий тартиботни сақлашда халқаро ҳамжамият учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ва умумий аҳамият касб этади².

Дарҳақиқат, халқаро ҳуқуқ тамойиллари универсал қоидалар, ўзининг ҳуқуқий таъсир доирасига барча халқаро муносабатларни камраб олади. Аммо бугунги кунда юридик мустаҳкамланмаган, одат тарзида амал қиладиган халқаро ҳуқуқ тамойиллари бор. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ана шундай тамойилларнинг жумласидандир.

Айрим муаллифларнинг фикрига кўра, халқаро ҳуқуқ тамойиллари замонамиздаги халқаро муносабатларнинг мазмун-моҳиятига жавоб берадиган, инсоният, давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг манфаатларига монанд келган ва шу сабабли мажбуриятларнинг энг қатъий чоралари билан муҳофаза қилинадиган асосий, императив ва универсал қоидалардир. Муаллифлар халқаро ҳуқуқ тамойилларига изоҳ беришни давом эттирар экан, уларнинг давлатлараро муносабатларнинг энг муҳим қирраларини тартибга солишини, халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари учун мажбурий эканлигини, универсал шартлар ва одатларда ўз ифодасини топишини, уларнинг таъминланишида давлатларнинг суверенитети чекланиши мумкинлигини ва жисмоний шахслар халқаро ҳуқуқда назарда тутилган жавобгарликка тортилиш мумкинлигини таъкидлайди¹. Бизнингча, юқорида зикр этилганлар билан бирга,

¹ Международное публичное право. – М.: Проспект, 1999. – С.57-58.

² Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001. 87-бет.

¹ Международное право. – М.: Проспект, 1999. – С.55.



халқаро ҳуқуқ тамойиллари узвий боғлиқ бўлган тизимни ташкил этиши кўшилиши лозим.

Халқаро ҳуқуқ тамойилларнинг ҳуқуқий таъсир доирасида чирмашиб кетганлиги давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилини изоҳлашда муаммоларни вужудга келтириши муқаррар. Фан ва амалиёт шу йўл билан бордики, халқаро ҳуқуқ тамойиллари давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириш билан кифояланиб қолган. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар мазмуни давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилининг халқаро тинчилик ва хавфсизлик каби умумий объект билан бирга, давлат суверенитети, ташқи ва ички сиёсатини амалга оширида унинг мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро муносабатлар тушунилиши лозимдир.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиққан ҳолда давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилини замонамиздаги халқаро муносабатларнинг мазмун-моҳиятига жавоб берадиган, инсоният, давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг манфаатларига монанд келган, муҳофаза объекти сифатида давлат суверенитетини таъминлаш бўйича халқаро муносабатларни камраб оладиган, бошқа халқаро ҳуқуқ тамойиллари билан узвий боғлиқликда бўлган, мажбурловнинг энг қатъий чоралари билан муҳофаза қилинадиган асосий, императив ва универсал қоида тарзида таърифлаш мумкин.

Хулоса тариқасида эътироф этиш керакки, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа тамойиллари ўртасидаги узвий боғлиқлик кучайиши - табиий жараёндир. Халқаро муносабатларнинг ривожланиб бориши жаҳон ҳамжамиятига янги неъматларни туҳва қилиши билан, мавжуд ижтимоий иллатларни тобора кучайтириб, уларнинг янгича кўринишларини вужудга келтириши мумкин. Ушбу салбий ҳодисаларга бас келишда халқаро ҳуқуқ тамойиллари, шу жумладан давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили олида янги вазифаларни қўйиб, ушбу вазифаларнинг қай даражада баарилиши халқаро ҳуқуқ тамойилларига риоя этиш билан чамбарчас боғлиқдир.